

# Xabar

15  
(708)-son

14-aprel

www.xabar.cc.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2006

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## Бу сонда:

2 -бет

Меҳр ришталарини  
боғлаган танлов

5 -бет

Эзгуликка  
етаклаган кун

6 -бет

Первый в мире  
лазерный телевизор

7 - 10 -бет

## Xabar-TV

11 -бет

Телеграммадан  
воз кечилди

12 -бет

Компютер  
саводхонлиги

14 -бет

«Миллий гений»га  
айланган муҳожир

WCG 2006

UZBEKISTAN

Компютер ўйинлари  
ёки киберспорт

WCG WORLD CYBER GAMES

3 бет

Тўртинчи Ўзбекистон чемпионати бошланиш арафасида

Интернет  
хамкорларимиз



— сифат  
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети



Haftalik  
xabarlar

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий вице-президенти Шигео Катсуни қабул қилди.**  
Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси Сергей Мироновни қабул қилди.**

Сўхбат чоғида Ўзбекистон-Россия парламентларо алоқалари билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр юритилди.

◆ **Матбуотда “В.А.Голишевни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлаш тўғрисида” ва “Б.А.Хўжаевни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.**

◆ **“Маҳсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда чоп этилди.**

◆ **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва ЕвропЭйд дастури-нинг “Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш” лойиҳаси ҳамкорлигида “Малакали тиббий фаолият кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ва уларни тақомиллаштириш муаммолари” мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг ривожланиш йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар эътиборга молик эканлиги таъкидланди.**

◆ **Навоий давлат педагогика институтида “Амир Темурунинг дунё тарихида тўтган ўрни: тарих ва ҳозирги замон” мавзуда республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**  
Анжуманда маърузалар ўқилиб, уларда Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тарихида тўтган ўрни, ҳаёт йўли, бой маданий ва маънавий мероси ҳақида сўз юритилди.

**Аввал хабар берганимиздек, шу йилнинг 11 апрел куни Тошкент алоқа касб-хунар коллежида “Йилнинг энг яхши бошлангич касаб уюшмаси қўмитаси” кўриктанловининг якуний — республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан жами 14та жамоа иштирок этди.**



## Меҳр ришталарини боғлаган танлов



“Миллийликни тарғиб этувчи жамоа” номинацияси ғолиблари

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаб уюшмаси марказий кенгаши бир неча йиллардан буён соҳа корхона ва ташкилотлари, муассасалари ўртасида турли хил мусобақаларни ўтказиб келяпти. Мазкур беллашувлар соҳа ходимларининг касб маҳоратини ошириш, уларнинг ҳуқуқий билимларини кучайтириш ва ижодий қобилиятларини юзга чиқаришга, энг муҳими — миллатлар орасида дўстликни мустаҳкамлаб, соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга хизмат қилмоқда. “Алла”, “Энг саховатли оила” каби кўрик-танловларнинг юқори савияда ташкил этилгани бошқа соҳа касаб уюшмалари қўмиталари мутасаддилари томонидан ҳам эътироф қилинган. Айниқса, “Алла” кўригида миллий кадриятларимиздан бири бўлган аллани алоқачилар маромига етказиб айтишганини кўпчилик ҳали-ҳамон ҳаяжон билан эслайди.

Йилнинг энг яхши касаб уюшмаси қўмитасини аниқлашга қаратилган танлов бу йил биринчи мартаба ташкил этилди. Энди уни ҳар йили ўтказиб бориш режалаштирилган. Мазкур кўриқнинг республика босқичида дастлаб жамоалар спорт эстафетаси бўйича беллашдилар.

Беллашувларни Ўзбекистон алоқа ходимлари касаб уюшмаси марказий кенгаши раиси Тоҳир Назаржонова етакчилигидаги ҳакамлар ҳайъати — Зулфия Қобилова, Муҳаббат

Ўрмонбекова, Маҳмуда Мурзаева, Абдувоҳид Аҳмедовлар синчковлик билан кузатиб, баҳолаб боришди. Эстафета шартига кўра, жамоалар белгиланган вақт ичида баскетбол саватига тўлни туширишлари ҳамда теннис тўпчасининг қошиқда тўсиқлар оша олиб ўтишлари керак эди. Спортда “Омад кучиларга қулиб боқадим”, деган ибора бор. Бу гал “Бухоро Телеком” филиали Вобкент телекоммуникациялар боғламаси касаб уюшмаси қўмитасига омад қулиб боқди. Улар энг кам вақт сарфлаб, ушбу шарт бўйича ғолиб бўлишди.

Иккинчи шартга кўра иштирокчилар ҳуқуқий билимларини намойиш этишди. Савабларга Сурхондарё вилояти радио-телевидение узатиш корхонаси ва “Тошкент Телеком” филиали Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси жамоалари батафсил жавоб беришди.

Ҳар қандай беллашувда иштирокчиларнинг бадиий қисм бўйича чиқишлари қизиқарли кечди. Бу шарт бўйича жамоавий чиқишларни баҳолаш ҳайъати аъзолари учун ҳам бир оз қийинчилик туғдиради. Сабаби, халқимиз санъатсевар, шеърятни ардоқлайдиган халқ. Қайси соҳада бўлмасин, ижод билан шугулланадиган ватандошларимиз анчагина, жумладан, алоқа соҳасида ҳам. Танловда қорақалпоғистонлик, фарғоналик, жиззахлик алоқачилар миллий

кийимларда халқ қўшиқларини мохирлик билан ижро этишди. Навоийлик Маҳбуба Ҳасанова, самарқандлик Яхшигул Шамсиева, сирдарёлик Шавкат Мамажоновларнинг шеърни ифодали ўқишлари таҳсинга лойиқ. Улар ижро этган шеърларда аёл, ота-она улугланди, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар доимо йўлдошимиз бўлиши кераклиги таъкидланди. “Наманган Телеком” филиали, “Тошкент Телеком” филиалининг Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси ва “Тошкент почта” филиали касаб уюшмаси қўмитаси жамоаларининг сахна кўринишлари ҳакамлар ҳайъатининг алоҳида эътиборига сазовор бўлди. Наманганлик алоқачиларнинг “Шифокор қабулида” мавзудаги интермедиялари, янгийўлликларнинг Наврўзга бағишланган чиқишлари, уларнинг сумалак тайёрлаб келиб, томошабинларга тарқатишлари ва пойтахтлик почтачиларнинг ҳозир долзарб бўлган масала — коммунал тўловлари бўйича сахна кўринишлари жуда жонли чикди. Шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Андижон вилоятлари вакиллари ижро этган куй-қўшиқлар, рақслар гулдурсоқ қарсақлар билан кутиб олинди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳакамлар ҳайъати учун иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолаш мураккаб кечди. Чунки ҳар бир жамоа кўриқка, айниқса, бадиий қисм шартига пухта тайёрланиб келганди. Шу боис ҳам танлов Низомида белгиланганидек, асосий эътибор касаб уюшмаси қўмитасида меъёрий ҳужжатларнинг юритилиши, ўтган йилги иш натижалари, жамоа шартномасининг бажарилиши, ариза ва шикоятларнинг нечоғлик ижобий ҳал этилганлиги қаратилди. Мусобақага қадар иштирокчи жамоалар тақдим этган йил яқунларига бағишланган барча ҳисоботлар мана шу нуқтага назардан баҳоланди.

Ҳакамлар ҳайъати раиси ғолиблар номини эълон қилди. Учинчи ўрин — “Ўзи-Жиззах” филиали жамоаси (Насиба Гаировна, Райхонни Мўминова, Бобир Солиев), иккинчи

ўрин — “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиалининг Сирдарё вилоят 3-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси жамоаси (Пўлат Бойжигитов, Гулсара Дониёрова, Шавкат Мамажонов)га насиб этди. Биринчи ўринга эса танловнинг Тошкент шаҳри бўйича ғолиби — “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ “Тошкент почта” филиали касаб уюшмаси қўмитаси жамоаси (Тамара Муҳаммаджонова, Ниғмат Орифжонов, Дилмурод Нуралиев) лойиқ, деб топилди.

Шунингдек, “Энг ушқоқ жамоа” номинацияси бўйича “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоқ филиалининг Кўнғирот почта алоқаси тармоғи жамоаси (раиси — Элиха Туреева), “Энг қувноқ жамоа” номинацияси бўйича “Тошкент Телеком” филиали Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси жамоаси (раиси — Светлана Валетдинова), “Миллийликни тарғиб этувчи жамоа” номинацияси бўйича “Матбуот тарқатувчи” АКнинг Фарғона вилояти “Матбуот тарқатувчи” шўба корхонаси жамоаси (раиси — Хатимахон Ғофурова) ғолибликни қўлга киритди.

Ғолибларга махсус дипломлар, пул мукофотлари, ҳар бир иштирокчига эса эсдалик совғалари топширилди.

Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаб уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов “Танловда мағлублар йўқ, ҳамма ғолиб бўлди, у барча ҳамкасбларни янада жипс-лаштирди”, деб айтди. Дарҳақиқат шундай. Беллашув баҳона ҳамкасблар дийдорлашиб, ўзаро иш тажрибларининг юритилиши, ўтган йилги иш натижалари, жамоа шартномасининг бажарилиши, ариза ва шикоятларнинг нечоғлик ижобий ҳал этилганлиги қаратилди. Мусобақага қадар иштирокчи жамоалар тақдим этган йил яқунларига бағишланган барча ҳисоботлар мана шу нуқтага назардан баҳоланди.

Ҳакамлар ҳайъати раиси ғолиблар номини эълон қилди. Учинчи ўрин — “Ўзи-Жиззах” филиали жамоаси (Насиба Гаировна, Райхонни Мўминова, Бобир Солиев), иккинчи

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
aaxabar@mail.uz



◆ Биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин ғолиблари

Муаллиф олган суратлар



# Компьютер ўйинлари ёки киберспорт

**Пойтахтимиздаги Халқаро Ҳамкорлик Марказида компьютер ўйинлари бўйича 2006 йилги**

**Ўзбекистон чемпионати ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асаджон Хўжаев, "Samsung Electronics" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ли Ёнг Вук, WCG (Халқаро киберспорт ўйинлари)нинг МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари бўйича координатори Денис Самохин ва бошқалар иштирок этишди.**

**Матбуот анжуманида** мазкур чемпионат ташкилотчиси – "infoCOM.UZ" журнали тахрир Ҳайъатининг раиси Александр Сучков 2006 йилги чемпионат, унинг ўтказилиш тартиби ва қонун-қоидалари ҳақида маълумот берди.

Компьютер ўйинлари бўйича республика биринчилиги жорий йилнинг май-июн ойларида ўтказилади. Унинг ўтказилиш тартиби қуйидагича:

- 1-27 май кунлари иштирокчилар рўйхатга олинади;
- Саралаш турнири:
- Бухорода – 27-28 май;
- Самарқандда – 3-4 июн;
- Қаршида – 10-11 июн;

- Наманганда – 17-18 июн;
- Тошкентда – 22-28 июн;
- 30 июн — финал;
- 1 июл куни — ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Турнир ғолиблари шу йилнинг 16-22 октябр кунлари Италиянинг Монца шаҳрида ўтказиладиган "Grand Final WCG 2006" да иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

WCG 2006 Uzbekistan Preliminary Ўзбекистон чемпионатининг расмий ўйинлари: **WarCraft @ III : Frozen Throne** – 1993 йил 18 октябрда туғилган ўйинчилар ўртасида. **StarCraft@: Brood War™** –

## Тўртинчи Ўзбекистон чемпиони бошланиш арафасида



1993 йил 18 октябрда туғилган ўйинчилар ўртасида.

**Half - Life™: Counter** – 1989 йил 18 октябрда туғилган ўйинчилар ўртасида.

**Need for Speed: Most Wanted** – ёш чегараланмаган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида чемпионат турнирларида иштирок этиш пуллик ҳисобланади. Ўзбекистон чемпионатида қатнашиш эса мутлақо бе-

пуллик. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ёш кўрсаткичига қараб ушбу мусобақада ўз кучини синаб кўриш имконига эга.

Мамлакатимизда киберспорт ўйинлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг қўллаб-қувватлаши, "Samsung Electronics" компаниясининг бош ҳомийлиги остида жадал ривожланиб бормоқда. Буни Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионатида йил

сайин яхши натижаларни қўлга киритаётганлигидан ҳам билиш мумкин. Тадбир иштирокчилари бу йил ҳам терма жамоага муносиб номзодлар қабул қилиниши ва улар Италияда янада юқори ўринларни банд этишига ишонч билдиришди.

Лутифилло ТУРСУНОВ

Сергей НАСЛЕДОВ  
олган сурат

**Инсоният ахборотлаштириш соҳасида ақл бовар қилмас ўзгаришларни бошдан кечиряпти. Натижада эса умумжаҳон ахборотлашган жамияти шаклланиб, биз яшаётган XXI аср "ахборотлашган жамият асри" дея ном олди. Ҳозирда ахборотнинг тез ва сифатли айланishiга эришиш – мамлакат тараққиёти ва раванқининг асосий омилга айланди.**

**Ахборот-коммуникация технологиялари** соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллидаёқ Президентимиз шундай деган эди: «Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривож бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилшимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ ҳис қилишимиз лозим».

Келажақда ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш учун қуйидаги вазифалар биринчи навбатда ҳал қилиниш талаб этилади:

- соҳа ривожини учун қулай бўлган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳитни давр талабларига мос равишда такомиллаштириш;
- соҳада мулкӣ муносабатларни эркинлаштириш;
- ахборот-коммуникация хизматлари бозори ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;
- соҳада фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклига эга фирма ва бошқа коммуникация корхоналарининг фаолиятини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;
- соҳа бошқаруви тизимини эркинлаштириш ва шу орқали кескин сифат ўзгаришларига эришиш;
- Ўзбекистонда фаолият юритаётган хусусий телевидениеларнинг ҳозирги замон коммуникация тизимидаги ўрни ва аҳамиятини мониторинг қилиш ва шу асосда соҳа ривожига ҳисса қўшадиган тақдирларни ишлаб чиқиш.

Албатта, бу муаммоларни ҳал қилиш учун чуқур илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш тақозо этилади.

Республикаимиз Президентининг 2005

лери радиокомпаниялар, ахборот агентликлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан телерадиоэшиштириш соҳасида ахборот алмашиш бўйича самарали ҳамкорликни амалга оширишга кенг йўл очди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси аъзоларининг 2004 йил 7 сентябрдаги йиғилишида 25та нодавлат

Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй бераётган, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш, ўсиб келаётган ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган теле- ва радио дастурларнинг профессионал ва бадий даражасини таъминлайди.

Фарқли жиҳатлари эса ҳар бир теледастурнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, унинг сифати, рақобатбардошлиги, самарадорлиги, таъсирчанлиги, муаммонинг қўйилиши, ечим, ёндашув, услуб ва воситалардаги ранг-баранглик, профессионал ўзгачиликда намойиш бўлади.

Ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш, ахборотлашган жамиятни вужудга келтириш замонга мос ривожланиш воситаси сифатида, охир оқибатда, хавфсизлигини таъминлаш, инсоннинг интеллектуал билим даражаси кенгайишига олиб келади. Зарур билим ва маълумотларни оммага етказиш, улардан оқилона фойдаланиш, ўзаро уйғунлашган билимлар жамиятда тафаккур қудратининг кенгайишига, Ўзбекистонга дунёнинг юксак даражада ривожланган етакчи мамлакатлари қаторидан ўрин олишга имконият яратади.

Улугбек ХОНҚУЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши  
академияси тингловчиси

## Ахборотлашган жамият сари

Йил 8 ноябрдаги «Мустақил телерадиокомпанияларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мамлакатни демократик аниглаш ва модернизациялаш, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, одамлар оғида демократик қадриятларни шакллантиришда мустақил оммавий ахборот воситаларини, алоҳида аҳамиятга эга бўлган телерадиоэшиштириш фаолиятини ривожлантириш — Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши экани таъкидланган.

Бугунги кунда республикаимиз телерадиоэшиштириш соҳаси 50та студия, 13та радиостанция, 36та кабели телевидение студияларидан иборат давлат ва нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини ўзига қамраб олган. Миллий телерадиокомпания ўз кўрсатув ва эшиттиришларини тўртта теле- ва радиоканал орқали республикаимиз ҳудудининг 98 фоизига тарқатади. Кўрсатув ва эшиттиришларнинг ўртача бир кунлик ҳажми 54 ва 93,2 соатни ташкил этади.

Халқимизнинг маънавий-маданий савияси ривожланиб бораётганлиги боис ҳолис ахборотга бўлган эҳтиёж ҳам кескин кучайиб бормоқда. Бу эса бозор муносабатларига биноан талаб ва тақлиф қонуниятини чуқур аглашани тақозо қилади. Демак, ахборот хизматлари бозоридаги рақобатбардошликни таъминлаш зарурияти кун тартибига чиқди. Бу ҳол замонавий талаблар ҳамда стандартларга мувофиқ давлат ва нодавлат хорижий те-

лестанция раҳбарлари ўзаро бирлашиб, Ўзбекистон нодавлат телекомпаниялари телетармоғи (НТТ)ни таъсис этишди. Унинг асосий мақсади — «Давлат тили ҳақида»ги ҳамда «Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ биргаликда рақобатбардош ва миллий манфаатимизга мос телемаҳсулотлар ишлаб чиқариш, ўзаро алмашиш, сотиб олиш, трансляция қилишдан иборат. Бугунги кунда нодавлат телестудиялар ўз эфирларини 77та канал орқали узатмоқда. Телетармоқ эса республика ҳудудининг 70 фоизини қамраб олган бўлиб, қарийб 18 млн. кишилик аудиторияга эга.

НТТ 2004 йил 18 ноябрдан 24та телестанция орқали аъзоларга бир соатлик дастурлар етказиб берган бўлса, бугун унинг ҳажми 3 соатни ташкил этмоқда. Ҳозир НТТ бадий кенгаши тасдиқлаган дастурдан Ассоциациянинг "Эркин фикр" телестудиясида тайёрланган ахборот-публицистик кўрсатувлар, ток-шоулар, ҳудудий телестудияларнинг энг яхши кўрсатувлари ҳамда «Ўзбектелефилм», «Ўзбекино» ва қатор нодавлат компаниялари суратга туширган ҳужжатли ва бадий филмлар, ўзбек тилига ўгирилган хориж филмлари ва телесериаллар ўрин олган.

Ахборот-коммуникация тизимига бундай ёндашув ўз-ўзидан давлат ва нодавлат телетармоқлари ўртасидаги умумийлик ва тафовутни аниқлаб олишни талаб этади. Ҳар иккала телетармоқдаги умумийлик шундаки, улар:

- аҳолини, чет эл жамоатчилигини



## DUNYO BIR TUGMACHA-YU...



Yangiliklar

Xabarlar

Voqealar

## КОАЛИЦИЯ ТУЗИШМОҚЧИ...

Ниҳоят Украина Марказий сайлов комиссияси мамлакат парламенти — Олий Радага 26 мартда бўлиб ўтган сайлов натижаларини эълон қилди.

Расмий маълумотларга кўра, Виктор Янукович раҳбарлигидаги "Регионлар партияси" сиёсий ҳаракати сайловчиларнинг 32,14 фоиз овозини олишга муваффақ бўлган. "Заргалдоқ инкилоб" етакчиларидан бири Юлия Тимошенко блоки — 22,29 фоиз, амалдаги президент Виктор Юшченконинг "Бизнинг Украина" партияси эса 13,95 фоиз овоз тўплаган. Бундан ташқари, Социалистик партияни — 5,69 фоиз, Украина компартиясини — 3,66 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаган.

Марказий сайлов комиссияси раиси Ярослав Давидович комиссиянинг якуний мажлисида "Регионлар партияси" парламентада — 186 ўринни, Тимошенко блоки — 129, "Бизнинг Украина" — 81, социалистлар — 33, коммунистлар — 21 ўринни эгаллаганини эълон қилди. Мамлакат қонунига кўра, парламентада энг кўп овоз олган партия етакчисигина коалиция тузиш ҳуқуқига эга. Аммо Юшченконинг топшириги билан Тимошенко блоки, "Бизнинг Украина" ҳамда Социалистик партия "заргалдоқ коалиция" тузиш мақсадида музокараларга киришиб кетган.



## ЭРОНЛИК ОЛИМЛАР ЮТУФИ

Эроннинг "Mehr News" ахборот агентлиги хабар беришича, Техрон Очик Ислон университети олимлари "Токамак" туридаги термоядро синтези технологиясини кашф этишган.

## "Эрон жаҳонда

биринчи бўлиб ушбу технологияга эришган давлатдир, — дейилади хабарда. — У турли мураккаб лойиҳаларни амалга оширишни осонлаштиради. Тараққий этган мамлакатлар бу технологияни 20 йил мобайнидагина яратишлари мумкин.


Термоядро реакторида водород ядроси изотоплари синтези натижасида ҳосил бўладиган қувват ишлатилади. Бундай реакторда изотоплар тўлиқ ёниб битади ва деярли радиоактив чиқитлар чикмайди. Ихтирочилар бу йўл билан инсоният олдиди турган энергия тақчиллигига барҳам бериш мумкинлигини айтишмоқда. Мамлакат раҳбари Аҳмади Нажот: "Яқин кунларда Эрон халқи мамлакат ядро дастури бўйича хушхабар олади ва эронликлар бу янгиликдан ғурурланишлари мумкин", — деди душанба кuni Машҳаддаги чиқишида.



## КАСКАДЁРНИНГ ТАЛАБИ

Ўттиз тўрт ёшли каскадёр Антони Маккаферсон «Paramount Pictures» компанияси ва таниқли актёр Том Крузга тегишли бўлган «Cruise/Wagner Productions» фирмасини судга берди.

Даъвогарнинг таъкидлашича, "Бажарилмаган миссия-3" филмини тасвирга олиш жараёнида унинг ҳаёти ва саломатлиги бир неча бор хавф остида қолган. Шу боис у 1,5 миллион доллар миқдорда товон пули талаб қиляпти. "Круз мендан ва бошқа каскадёрлардан умуман бажариб бўлмайдиган трюкларни талаб қиларди. Биз бош тортсак ҳам, у сўзида туриб оларди, — маълум қилди журналистларга Маккаферсон. — Умуман олганда, уни баъзи қалтис трюклардан қайтара олдик, шундай бўлганда ҳам тасвирга олиш мобайнида жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилдик. Гап осмонўпар бинолардан қулаб тушиш ёки соатига 200 км. тезликдаги автомобиллар билан тўқнашиш ҳақида кетаётгани йўқ. "Учинчи миссия"да Круз каскадёрларга ўлим билан уйнашни таклиф қилган эди".



## ШИФОХОНАДА ПОРТЛАШ

Хитой шимолидаги Шанси вилояти касалхоналарининг бирида кучли портлаш содир бўлган.



"Синхуа" агентлиги тарқатган хабарларга кўра, шифохона ходимлари неча кишининг ҳалок бўлгани ва қанчиси харобалар остида қолгани ҳақида аниқ маълумот бера олишмаган. Бу борада кутқарувчилар ҳам тайинли фикр айтишмаган.

Портлаш душанба кuni кечқурун шифохона автогаражи ёнида юз берган ва натижада икки қаватли иморат ҳамда унга туташ бинолар вайронга айланган. Шунингдек, шифохона ишчи-хизматчилари истиқомат қиладиган беш қаватли ётоқхонага ҳам жиддий зарар етган. Ҳозир бу ҳудудда кутқарув ва тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

## ЭНДИ ШАРОН ВАЗИР ЭМАС

Исроил Вазирлар Маҳкамаси Ариэл Шарон соғлиги ёмонлашгани туфайли вазифасини бажара олмаслигини маълум қилди.

Шу пайтгача Исроил бош вазири вазифасини Эхуд Олмерт бажариб келаётганди. У, шунингдек, Шарон томонидан асос солинган "Кадима" партияси етакчиси ҳамдир. Шу йилнинг март ойида ўтказилган сайловда "Кадима" марказчилар партияси ғалаба қозонган эди. Олмерт эса айна пайтда коалиция ҳукумати таркибини шакллантириш билан банд.

Эслатиб ўтамиз, Шарон бош вазири сифатида беш йил давомида фаолият кўрсатди ва бу вақтда Исроил-Фаластин муносабатларида бир қанча ижобий ўзгаришларга эришилди.



## БОЛАЛАРГА 16 КИЛОГРАММЛИ ЎЙИНЧОҚ

Томскдаги "Гарант" металлконструкция заводи Россияда огир атлетикани ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида болалар учун махсус ўйинчоқлар ишлаб чиқара бошлади.



Завод директори Михаил Тушкевичнинг айтишича, одатий бўлмаган ўйинчоқлар ишлаб чиқариш гоёсини дастлаб Умумороссия огир атлетика федерацияси раҳбарияти билдирган.

Биринчи ярим йиллик давомида заводда унча кўп бўлмаган турдаги огир ўйинчоқлар ишлаб чиқарилади. Масалан, мактабгача ёшдаги болалар учун 500 граммдан тортиб 2 кг.гача ҳамда ўсмирлар учун 3 кг.дан 12 кг.гача огирликдаги (7 хил) темир халқалар тайёрланади. Уч ёшгача бўлган болажонлар учун 700-1000 граммли айиқча ва 500-1200 граммли қуёнчалар таклиф қилмоқда. Шунингдек, кўгирчоқ (16 килограмм), тўп (10 кг.гача) ва кубик ҳамда гиштка (200 грамм)лар ишлаб чиқариш ҳам релаштириляпти.



## DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиалида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги «2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида вилоятдаги алоқа бўлимларига телефон ўрнатиш, почта айирбошлашга автомашиналар ажратиш, Интернет-кафеларни ишга тушириш, замонавий технологиялар асосида почта алоқаси хизматлари кўрсатиш юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилди.**

## Ютуқларга эришиляпти, лекин камчиликлар ҳам бор

Ўрганишлар ўтказиш режа-жадвалига асосан, вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан Сарийосиё, Кумқўрғон, Шўрчи, Узун, Бандихон, Бойсун, Термиз шаҳри, Шеробод почта алоқаси тармоқларининг фаолияти ўрганилганда эришилган ютуқлар билан бирга, афсуски, бир қатор камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Жумладан, почта алоқаси тармоқларининг барчасида қабул қилинаётган коммунал тўловлар учун 47-шакл квитанция дафтаридан квитанциялар берилиши назоратга олинмаган. Пенсия ва нафақалар тўловлари метёрий хужжатлар талаблари асосида ташкил этилмаган, пенсия ва нафақа пулларини пенсионернинг яқин қариндошларига ишончномасиз тўлаш ҳолатлари мавжуд. Қатъий ҳисобда турувчи бланк ва квитанция дафтарларини назорат қилиш талаб даражасида эмас. Шўрчи ва Термиз шаҳар почта алоқаси тармоқларида эксплуатация бўйича ўқув машғулотлари режаси тузилмаган. Бойсун

почта алоқаси тармоғида эса 2005 йилда шундай режа тузилган бўлса-да, эксплуатация бўйича ходимларни ўқитиш ташкил этилмаган. Шунингдек, буюртмалар почта жўнатмаларини етказиб беришнинг кунлик назорати олиб борилмаган.

Узун ва Термиз шаҳар почта алоқаси тармоқларида почта жўнатмалари тарифлари нотўғри қўлланилган. Сабаби — мазкур тармоқларда тарифларни қўллаш бўйича машғулотлар ўтказилмаган.

Шеробод почта алоқаси тармоғида 8та механик таровзи ўрнатилган тартибдаги муддат метрологик қиёслаш кўригидан ўтказилмаган. Термиз шаҳар почта алоқаси тармоғида режалар ва тўсатдан текширишлар режаси бу лавозимда йўриқ бўлмаганлиги сабабли қисман бажарилган. Ўтказилган ўрганишлардан сўнг филиал раҳбарининг буйруғи билан филиал почта хавфсизлиги бўлими мутахассиси Э.Рўзиев Термиз шаҳар почта алоқаси тар-

моғи йўриқчиси вазифасига ўтказилди.

Албатта, ўрганишлар натижасига асосан вазифасига эътиборсизлик билан қараган ходимларга нисбатан интизомий чора кўрилди. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиали ходимлари жойларга чиқиб, тармоқ бошлиғи ўринбосари, йўриқчиси, алоқа бўлими бошлиқлари ва хабарчилари иштирокида эксплуатация-ўқув машғулотларини ташкил қилдилар.

Камчиликларга такроран йўл қўйилишининг олдини олиш учун жойлардаги раҳбарларга, айниқса йўриқчиларга, ҳужжатли ва тўсатдан ўтказилган текширувларни ўз вақтида ва батафсил ўтказишлари, шунингдек, аҳолидан тушган мурожаатларни эътиборсиз қолдирмай, жойларга чиқиб ўрганишлари ва уларнинг асл сабабларини аниқлаган ҳолда бартараф этилишини таъминлашлари ўқтирилди.

**Жумагул МУРАТОВА,**  
Сурхондарё вилояти ДАИ  
бошлиғи

## Алоқа хизмати яхшиланмоқда

**Кейинги йилларда вилоятимизнинг олис тоғ бағрида жойлашган Сўх туманида ҳам алоқа ва телевидение соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.**

Туманининг Ленбург марка-зида радиорелейли алоқа тизимининг ишга туширилиши симсиз алоқа, телефон хизматини яхшилаш ҳамда маҳаллий хонадонларга «Спорт», «Ёшлар» телеканалларининг кириб бориш имконини берди.

Марказий автомат телефон станциями 1000 рақамга мўлжалланган бўлиб, унинг 500 нуктасини янги 7 рақамли АТСга монтаж қилдик, — дейди Сўх тумани телекоммуникациялар боғла-маси бошлиғи Алижон Шеров.

— Янги АТС қулайликларидан мижозларимиз мамнун бўлишяпти. Уларга, айниқса республика-мизнинг турли вилоят ва ту-манларидан келиб, бу ерда хиз-мат бurchини ўтаётган ҳарбий-лар учун қулайлик яратиш мақ-садида «Хушёр», «Қалба», «Мул-гон» маҳалла фуқаролар йиғин-ларида сўзлашув масканларини очдик. Кишлоқ жойлардаги теле-фон линияларини янгиллаш ҳамда аҳоли хонадонларига теле-фон тушириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда.

Туманининг «Янгиарик», «Са-риканд», «Қалба» маҳаллалари фуқаролар йиғинига туман марказидан 1200 метр янги кабел линияси тортилди.

Хозирги кунда боғламада 33 нафар ишчи-ходим меҳнат қил-моқда. Уларнинг меҳнат шараф-тини яхшилаш, вақтида иш ҳақла-рини, муқофот пулларини тўлаб бориш боғлама раҳбариятининг доимо диққат-эътиборида.

Бобожалил ҳожи Жумаев,  
Эназар Аминов, Маъсуджон

Аминжонов, Йўлдош Эргашев, Аъзамхўжа ва Тоҳирхўжа Амо-новлар — боғламанинг фахрий-лари. Улар алоқа соҳасининг илк талапо дaвpидаги машак-қатларини сабот билан енгган ҳақиқий фидойилардир. Шу-нингдек, боғламада алоқачилик касбини улуглаб, ўзининг ҳалол, камтарона хизмати билан эл олқишига сазовор бўлиб кела-ётган касб фидойилари кўпчи-ликни ташкил қилади. Линия муҳандиси Раҳимжон Мамажо-нов, АТС муҳандиси Абдусалом Жўраев, электромеханик Жўра-бек Раҳимов, техниклар Ҳаким-жон Муродов, Фаррух Мелиев, кабел-пайвандловчи Алижон Мирхасенов, электромонтёрлар Восит Қобилов, Абдусалим На-бобов, «07» ходимлари Икромжон Бобониезов, Майрам Қосимо-ва, Пайрав Шеров, мижозлар бўлими ходими, меҳнат фахрий-си Усуфжон Нарзидиновлар ана шулар жумласидандир.

Ҳисоб-китоб доимо ҳушёрлик, зийраклик ва саранжомликни та-лаб этади. Айнан шу каби фази-латлар боғлама бош хисобчиси Бобожон Қодиржонов, иқтисод-чи Ашурали Сангиновларга со-с.

Туман телекоммуникация-лар боғламаси ходимлари Ҳомийлар ва шифкорлар йи-лида ўз олди-ларида катта ре-жаларни қўйиб, уларни амал-га ошириш йўлида собитқа-дамлик билан тинимсиз хиз-мат қилишяпти.

**Аскарбек АНБАРЖОНОВ**  
Фаргона вилояти

## ORAMIZDAGI ODAMLAR

**Ҳаётнинг шундай лаҳзалари бўладики, улар кишининг бевосита умр йўлини белгилаб беради. Рустам Рауповни алоқа соҳасига умрини бахшида этишга ундаган сабаб ҳам бир оғиз ширин сўз, оқил инсонларнинг гамхўрлиги эди.**



Юрагида ўти, билагида кучи бор Рустам 1960 йили иш излаб Косон алоқа тармоғига келган кунини ва уни самимий қарши олган Зироб Жўллиевни асло унутмайди. Чаққонгина Рустам телеграмма таркатуви сифатида ишга қабул қилинди, берилган ҳар бир топшириқни кўнгилдагидек бажариб, одамлар меҳрини қозона олди. Кейинчалик алоқа соҳасини танлаши ва шу соҳага умр бўйи боғланиб қолишида айнан Зироб Жўллиев сабабчи бўлганлиги Рустамнинг ўзи ҳам фахрланиб тилга олади. Уни «устоз» дея, ҳурматини жойига қўйди, шундай самимий қишлоқнинг борлигига таҳсинлар айтади. Касбнинг нозик жиҳатларини тушутирган инсон ҳам шу киши эди.

Орадан кўп ўтмай Рустам Раупов теле-графчи бўлиб ишлай бошлади. 1964 йили тахсил олиш учун Тошкентга йўл олди. Ниятлари ҳолис экан — Тошкент электротехника алоқа институтини талабаси бўлди. Институтни 1969 йили имтиёзли диплом билан тамомлаб, ўз юртига қайтди. Дастлаб Қашқадарё радио-телевидение узатиш марказининг оғир нукталаридан бири — Одамтош станциясида участка бошлиғи сифатида меҳнат қилди. Тоғлар чўққисидан бунёд этилаётган телеминорани тиклаш

осон кечмаган. Дехқонobod тумани худудидаги бандлиги 120 метр келадиган бу минора ишга тушган кун воҳада катта байрам тусини олган эди. Телекўрсатувлар, радиоэшитиришлар сифати яхшиланди. Шу тариха ўзини қайноқ меҳнат қучоғида синовдан ўтказган Рустам ёзининг жазиралари-ю кишининг қаратиларида тобланди. Ҳаёт синовлари, касб сирлари олдида доддираб қолмасдан, уч йил шу участкада фаолият кўрсатди.

Мустақил иш юритиш, ўз билим ва маҳоратини амалда кўрсатиш кунчи ҳам келди. Уни 1971 йили Қарши электралоқа боғламасига бошлиқ қилиб тайинлашди. Унинг бошчилигида чўл туманларини телефон алоқаси билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш янада авж олди. Ўтган асрнинг 70-йилларида ташкил этилган Касби, Муборак туманларида қисқа му-датда алоқа хизмати йўлга қўйилди. Тун-

ни кунга улаб меҳнат қилган жамоанинг белгиланган вақтда АТСларни қуриб ишга туширгани — унинг обрўсини яна бир неча погоналарга кўтарди.

Рустам Рауповни 1973 йилнинг айни ба-ҳор кезларида Косон электралоқа корхона-сига раҳбар қилиб ўтказишди. Бу ерда энди иш бошлаган кезлари Косонда 400 нуктали АТСдан фойдаланиларди. Қисқа вақт ичи-да бу кўрсаткич 1000 нуктага етказилди. 1980 йили Венгриянинг «АТС-К-100» мар-кали 2000 нуктали АТСи ишга тушган кун-да косонликлар қувончига қувонч қўшил-

ишларни жонлантириш билан бирга ўз би-лимини ҳам оширди. Тошкент халқ хўжа-лиги институтини тугатди. Қўш соҳа му-тахассиси бўлди. Алоқачи, иқтисодчи сифа-тида тиним билмади. Кўп йиллик фаоли-яти давомида эл қорига ярайдиган қўллаб-шогирдлар тайёрлади. Хозир улар турли жойларда алоқа соҳасини ривожлантириш учун ўз хизматларини аяшмай меҳнат қилишмоқда. Самад Каримов, Шакархон Хусейновлар ўз устозлари билан ҳақли ра-вишда фахрланишади.

Рустам ака оилада меҳрибон ота, уч нева-

## Эзгуликка етаклаган кун

ди. Шахарлараро сўзлашувларнинг сифа-тини яхшилаш мақсадида коксиал кабел-лар ётқизиблиб, «КА-300» маркали канал-лар бири-бири билан туташтирилган, воҳа маркази ҳамда бошқа шаҳарларга чиқиш осонлашди, сўзлашувлардаги шовқинлар-га барҳам берилди. Қисқаси, мижозлар сифа-тли алоқа хизматида баҳраманд бўли-лар. Туман марказидан 50-55 чакирим олисда янгидан ташкил этилган чўл хўжа-ликларида АТСлар қуришда ҳам Рустам ака-нинг муносиби ҳиссаси бор.

Саксоничи йилларда ишга туширилган АТСлар бугунги кун талабларига мос келмай қолганини инобатга олган косонлик алоқачи-лар АТСларни қайта таъмирлашди. Натихада алоқа хизмати сифати янада яхшиланди. Эндиликда Косон телекоммуникациялар боғла-маси хизматидан шаҳарда 2000, қишлоқлар-да 1800 нафар мижоз баҳраманд бўлаёт-ди. Ўтган давр мобайнида Рустам Раупов

ранинг сеvimли бобоси. Ўғли Одиқжоннинг илғили бўлишини орзу қиларди. Шундай ҳам бўлди. Айни пайтда Одиқжон Раупов Тошкент-да «Узынтур» компаниясида бўлим бошлиғи. — Битта орауми бор, — дейди Рустам ака. — Умрим бўйи алоқа соҳасида ишладим. Янги, сифатли, замонавий алоқа станцияла-рини ўрнатиб, косонликларнинг олқишига сазо-вор бўлиб, нафақага қискам — армоним қолмасди! Янги кун, йил бошида дунёга кел-ганим боис, Наврўзда қилаётган ниятларим ижобат бўлишига ишонаман.

Наврўзи олам нишонланаётган кезлари дунёга келган Рустам ака, айни пайтда шун-дай эзгу ниятлар билан яшапти. Зеро, Рус-там ака Раупов нима ният қилган бўлса, барчаси амалга ошган. Бу галгиси ҳам шун-дай бўлишига шубҳа йўқ...

**Баҳром МУРОДОВ**  
Қашқадарё вилояти



# Новости в сфере ИКТ

## ТЕСТОВАЯ ПЛОЩАДКА SHARQ TELEKOMA

**ЗАО Sharq Telekom** при поддержке **Министерства народного образования Узбекистана** организовало тестовую площадку на базе школы №172 Яккасарайского района города Ташкента. Проект осуществлен совместно с компаниями **Hewlett-Packard, Microsoft, Sistemalar Poudevori и World Window.**



Основные задачи тестовой площадки заключаются в совершенствовании обучения за счет использования информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), обучении учителей использованию ИКТ в учебном процессе и создании дополнительных образовательных курсов. Проект окажет техническое содействие в организации экспериментальной работы по внедрению ИКТ в образовательный процесс и поможет в создании условий для формирования у учащихся навыков работы с компьютерными сетями и Интернетом.

Sharq Telekom предоставляет бесплатный доступ в Интернет и обеспечивает техническую поддержку поставляемого программно-аппаратного комплекса.

Сотрудниками Учебного центра компании осуществляется содействие в обучении педагогического состава школы с предоставлением учебных материалов по работе в сети Интернет.

## ALCATEL И LUCENT TECHNOLOGIES ОБЪЕДИНИЛИСЬ



**Alcatel и Lucent Technologies подписали соглашения о слиянии. По данным участников сделки, объединенная компания будет иметь доход около 21 млрд. евро (\$25 млрд) в год. Окончательно сделка будет завершена не ранее, чем через полгода.**


По условиям сделки, акционеры Lucent Technologies получат по 0.1952 американской депозитарной акции (АДК) компании Alcatel за одну обыкновенную акцию Lucent Technologies. В результате акционерам Lucent Technologies будет принадлежать 40% акций объединенной компании, акционерам Alcatel - 60%. Обращаться акции объединенной компании будут на парижской бирже Euronext Paris.

Председателем совета директоров без функций исполнительного директора станет генеральный директор Alcatel Серж Чурук, должность главного исполнительного директора займет генеральный директор Lucent Патриция Руссо. Штаб-квартира объединенной компании будет находиться в Париже. В штате Нью-Джерси (США) в штаб-квартире Bell Labs (входит в состав Lucent Technologies) расположится штаб-квартира американского отделения новой компании.

По мнению участников сделки, в результате слияния создаются новые возможности роста, слияние позволит за три года сократить ежегодные операционные издержки на сумму около 1,4 млрд. евро (\$1,7 млрд.) до налогообложения. Отделения объединенной компании будут в равной степени распределены между Северной Америкой, Европой и остальными регионами. Общее количество сотрудников в объединяемых компаниях, по состоянию на 31 декабря 2005 г., составляет около 88000 человек.

По мнению аналитика J'Son&Partners Бориса Овчинникова, объединение двух поставщиков компаний существенно не изменит положения на российском телекоммуникационном рынке, ведь объединение в большей степени ориентировано на рынок Северной Америки.

## РЕШЕНИЯ MICROSOFT ДЛЯ ФИНАНСОВОГО СЕКТОРА



Компания **Softline International** совместно с корпорацией **Microsoft** провели в Ташкенте семинар «Решения Microsoft для финансового сектора» для директоров и руководителей IT-департаментов финансового сектора. Мероприятие проводилось при поддержке **Узбекского Агентства связи и информатизации.**

Решения корпорации Microsoft, которые были представлены на семинаре, помогут оптимизировать и уменьшить затраты на бизнес-процессы, проходящие в финансовой сфере.

На семинаре были раскрыты вопросы о наиболее распространенных серверных продуктах и их предназначении, таких, как Windows Server 2003, ISA Server 2004, Exchange Server 2003 и другие.

Также была заявлена информация о способах обеспечения безопасности информационной структуры организаций финансовой сферы, особое внимание уделено правильному выбору методов защиты от таких угроз, как спам, доступ к нежелательным сетевым ресурсам и вирусы.

SoftLine International, основанная в 2004 году, представляет интересы головной компании SoftLine (Россия) на территории Узбекистана и является одной из самых быстрорастущих компаний своего сектора рынка.

## CDMA В АЗЕРБАЙДЖАНЕ

**До конца 2008 года производственное объединение (ПО) Aztelekom, входящее в состав предприятий Министерства связи и информационных технологий, внедрит услуги CDMA во всех регионах Азербайджана.**

Об этом сообщил «Тренду» генеральный директор ПО Магомед Мамедов.

Исполнителем работ является китайская Huawei. Услуги CDMA внедряются в горных селах районов, где имеются проблемы с нехваткой телефонов. Здесь в значительной мере можно сэкономить средства, так как для прокладки телефонных линий в этих районах требуется большое количество кабелей, однако при новой беспроводной технологии это обходится гораздо дешевле.



## ПЕРВЫЙ В МИРЕ ЛАЗЕРНЫЙ ТЕЛЕВИЗОР

**Mitsubishi анонсировала выпуск первого, по заявлениям представителей компании, HDTV-телевизора, созданного с применением технологии цветных лазеров.**

Сообщается, что такие телевизоры при малых габаритах будут отличаться высоким качеством изображения, превосходящим существующие плазменные и жидкокристаллические панели.

Лазерный телевизор от Mitsubishi будет базироваться на технологии цифровой обработки света (digital light processing), разработанной компанией Texas Instruments. Устройство будет использовать красные, зеленые и голубые лазеры для вывода изображения на экран.

Сообщается, что телевизоры, базирующиеся на лазерной технологии, будут значительно легче и компактнее плазменных и жидкокристаллических с аналогичной диагональю. Стоит отметить, что сама по себе идея использования лазеров в производстве телеприемников не нова, однако широкое распространение этой технологии и удешевление производства таких устройств до уровня, приемлемого для рядового потребителя, прогнозировалось не ранее чем через 2-3 года. Однако, по словам представителей Mitsubishi, им уже удалось создать такой лазерный телевизор, который по стоимости будет сравним с плазменными панелями с аналогичной диагональю.

## ЭТО ИНТЕРЕСНО

### Суперпринтер для печатания книг

Компания **On Demand Books** выпустила специальный принтер, который, по словам разработчиков, в ближайшее время кардинальным образом изменит индустрию книгопечатания.

Устройство, получившее название Эспрессо-книга (Espresso Book Machine), позволит распечатать до 20 книг в час в типографском качестве, сообщает Noticias Info.

Сообщается, что себестоимость отпечатанных на новом принтере книг будет значительно ниже, чем у изданий, напечатанных в типографии. Espresso Book Machine способна печатать от 15 до 20 книг в час на любом языке без вмешательства со стороны человека - процесс печати полностью автоматизирован. Для того чтобы распечатать книгу, достаточно просто подсоединить принтер к компьютеру и отправить текстовый файл на печать.

Представители On Demand Books заявили, что с появлением такого устройства мировая индустрия может претерпеть серьезные изменения, так как возможность качественно распечатать любую книгу позволит сделать любые книги доступными одновременно во всем мире, вне зависимости от производственных мощностей типографий.

### Компьютерные игры

**Сейчас в мире насчитывается более 300 млн игроков в компьютерные игры. Об этом говорится в материалах компании Intel.**

Большинство из них играет от случая к случаю, но 10-15 млн человек играют регулярно. Сегодня в мире насчитывается 150 млн любителей коллективных сетевых игр, из них более 40 млн играют по Сети регулярно.

Шахсий Интернет Саҳифаси (Personal Internet Page) лойиҳаси ҳозирча синовдан ўтказилляпти — жорий йилнинг ўрталарига бориб, у амалга кенг татбиқ этилади. Синовда иштирок этаётган 10дан ортиқ давлат ташкилоти орқали фуқаролар ўзларининг солиқ тўлови ва ижтимоий суғуртаси, имтиёзлари ҳақида ҳамда бошқа маълумотларни олишлари мумкин.

Голландларнинг ташаббусига бошқа кўпгина Европа мамлакатларида ҳам қизиқиш уйғонди.

## Кино ишқибозларига янги имконият

Тез орада америкалик киношинаваңдалар янги филмларни улар дўконларда сотила бошланган кундан Интернет орқали кўчириб олиб, ўз компютерларида томоша қилиш имкониятига эга бўлишади.

Ушбу лойиҳани "Movielink" ва "CinemaNow" компаниялари ҳамкорликда амалга оширади.

Мазкур компаниялар Ҳолливуднинг "Universal Pictures", "Warner Brothers" ва "20th Century Fox" сингари йирик студиялари билан барча зарурий шартномаларни имзолашди. Хизмат доирасида янгилари билан бирга эски филмлар ҳам оммага тақдим этилади. Интернетдан олинган рақамли нусха кўчирма олишдан муҳофазаланган — уни DVD-дискка ёзиб олиш ҳамда DVD-плеерда филмни кўришнинг иложи йўқ.

## Электрон почтага қўйилган тузук

Австралия парламенти томонидан қабул қилинган қонунга биноан ҳукумат эндиликда фуқароларнинг электрон почта орқали ёзишмаларини уларнинг руҳсатисиз ҳам ўқиш ҳуқуқига эга бўлди.

Парламент депутатларининг фикрича, янги қонун жиноят содир этишда шубҳа қилинганлар ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш ҳамда мамлакат миллий хавфсизлигига таҳдид солаётган шахсларни аниқлашда ёрдам беради.

Хавфсизлик хизмати ходимлари шубҳа остига олинган шахсларнинг электрон почтасидаги маълумотлар билан танишиш имконига эга бўлиш бараварида уларнинг оила аъзолари, дўстлари ҳамда ҳамкасблари билан ёзишмаларини кузатиб боришади. Аммо фуқароларга уларнинг электрон хатлари доимий назорат қилиб борилиши тўғрисидаги хабар берилмайди.

Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчилар, ўз навбатида, шош-калоқликка йўл қўйилганини ва фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини таъминлаш учун қонунни қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлашган.

## АХБОРОТ ХАВФСIZLIGI

## Конгресснинг норозилиги

АҚШ конгрессининг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган йилгилида Россия ва Хитойда интеллектуал қароқчилик кескин кўпайиб кетганлиги ва бунинг натижасида 2005 йили Қўшма Штатларга 4 миллиард доллар миқдорда зарар етказилгани тилга олинди.


Бу давлатларда асосан Америка филмлари, мусиқа ва дастур таъминотлари "ўғирланмоқда".

Америка қонуншунослари Россияда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида самарали тадбирлар ўтказилмагунча бу мамлакатни Бутунжаҳон савдо ташкилотига "яқинлаштирмаслик керак", деган фикрни билдиришган. Хитойда эса ҳукумат қароқчилар билан курашга киришган бўлишига қарамасдан, барибир қонунбузарлар енгил жазо билан кутулиб қолишляпти.

Интеллектуал мулк етарлича муҳофаза остига олинмаган мамлакатлар рўйхатидан Мексика, Канада, Ҳиндистон ва Малайзия ҳам ўрин олган.



# Компьютер саводхонлиги




(Давоми. Аввали ўтган сонда.)  
1-ДАРС, 3-сабоқ.


## V. 3,5 ДЮЙМЛИК ДИСКЕТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Дискет ичидаги папка ёки файлни доимий хотирага кўчириш учун:

- 3,5 дюймлик дискетни «Дискетовод»га қўямиз.
- Курсорни «Мой компьютер»га олиб бориб, 2 марта «сичқонча»нинг чап тугмачасини босганимизда, «Мой компьютер» ойнаси очилади.
- Курсорни белгиси устига қўйиб, 2 марта «сичқонча»нинг чап тугмачасини босганимизда, 3,5 дюймлик дискет ичидаги файллар чиқади.
- Файлнинг устида «сичқонча»нинг ўнг тугмачасини 1 марта босганимизда, қуйидаги ойна очилади:




- «Копировать» буйругини босамиз.
- «Азиз» папкасини очамиз.
- Курсорни ойнани бўш жойига қўйиб, «сичқонча»нинг ўнг тугмачасини 1 марта босганимизда, кичик ойна чиқади.



4. Сўнг «Вставить» буйругини берамиз. Натижада 3,5 дюймлик дискетдаги файлнинг нусхаси компьютернинг доимий хотирасига кўчирилади.

Компьютернинг доимий хотирасидан файллар нусхасини 3,5 дюймлик дискетга кўчириш учун:

- «Азиз» папкасини очамиз.
- Папканинг ичидаги зарур файлнинг устига курсорни қўйиб, «сичқонча»нинг ўнг тугмачасини босамиз.
- «Отправить» буйруғига курсорни қўйиб, «Диск 3,5 (А:)» белгисига ўтамиз ва «сичқонча»нинг чап тугмачасини 1 марта босамиз. Натижада компьютер хотирасидаги файл нусхаси 3,5 дюймлик дискетга кўчирилади.




## VI. «ЯРЛЫК» ЯРАТИШ

«Ярлык» яратишдан мақсад — кўп ишлатиладиган керакли файл ёки папкаларни «Рабочий стол»дан тўғридан-тўғри оsonлик билан экранга чақиртириш. Бунинг учун «Рабочий стол»да «Ярлык» яратамиз.

«Ярлык» яратиш учун:


- Керакли файлга курсорни қўйиб, 1 марта «сичқонча»нинг ўнг тугмачасини босганимизда, қуйидаги кичик ойна чиқади:




- «Отправить» буйруғи орқали «Рабочий стол (создать ярлык)»ни босамиз. Натижада энг оson йўл билан «Ярлык» яратилади.

(Давоми бор.)

Азизбек НЕЪМАТУЛЛАЕВ,  
«Эффект-молия» ўқув маркази  
бош мутахассиси



**Бу кўхна дунё мислсиз илмий кашфиётларга гувоҳ. Бироқ XXI аср — ўзига хос улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун дунёни қамраб олиш жараёни шиддат билан ўсиб бораётган давр. Аслини олганда, ахборот соҳасидаги глобаллашув — инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндр.**



олиб бориш натижасида самарали ютуқларга эришди. Унинг илмий ишлари «Ўзбектуризм» очик турдаги акциядорлик жамиятида, «ЎздЭУ Авто» қўшма корхонасида, «Гидроприбор» ва «Сибио» (Ўзбекистон-Россия) илмий-текшириш институтларида, нодир ихтиро ва кашфиётлари халқ ҳўжалигида, хусусан, фойдали қазилмалар ва уларнинг мавжуд захиралари миқдорини аниқлашда, нефт ва газ конларини бургулашда кенг қўлланилмоқда.

Ана шундай глобал янгилашиллар жараёнида одамлар бўладики, улар бутун бир тизим йўналишини, оқимини ўзгартириб юборишга ўзининг салмоқли хиссасини қўшади. Шундай инсонлардан бири Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Ахборот технологиялари» кафедраси доценти Ҳакимжон Зайниддиновдир.

# Беҳуда ўтмаган умр — бебаҳо гавҳардир

У кишининг фаолияти билан танишар эканмиз, «Беҳуда ўтмаган умр — бебаҳо гавҳардир», деган сермаъно сўзлар ёдимизга келади. Тошкент давлат политехника институтини 1984 йили муваффақиятли тугаллаган Ҳ.Зайниддинов 1990 йилга қадар ушбу институт (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)нинг «Информатика ва ҳисоблаш» кафедрасида тадқиқотчи-ассистент сифатида фаолият кўрсатди. 1990 йили Санкт-Петербург давлат электро-

техника университетининг кундузги аспирантурасига ўқишга кирди ва 1993 йили номзодлик диссертациясини ёқлаб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олди. 1993-1996 йилларда университет қошидаги Олий муҳандислик ва педагогика институтида катта ўқитувчи, доцент ва директор ўринбосари вазифаларида ишлади. Орадан кўп ўтмай, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтининг «Иқтисодиётда ахборот

тизимлари» кафедраси доценти, сўнгра муҳандислик факультети декани лавозимларида фаолият кўрсатди. Айни пайтда эса Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Ахборот технологиялари» кафедрасида талабаларга «Ҳисоблаш тизимлари асослари», «Ахборот тизимларида ишлаш» каби фанлардан сабоқ бериб келмоқда.

Инсон умри қисқа, бироқ у ўз имкониятлари, ижодкорлик

салоҳияти билан абадиятга дахлдор кашфиётлар қила оларкан. Бунга қахрамонимизнинг умр саҳифаларига муҳрланиб қолган йиллар гувоҳ. 2005 йил 8 октябрда Ҳ.Зайниддинов узоқ йиллар давомида олиб борган машаққатли изланишлари туфайли «Сигналларнинг рақамли қайта ишлаш усуллари ва воситаларини яратиш» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади. Олим тадқиқотлар устида изланишлар

Эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу гоялар ҳаётий эътиқодига айланган инсонларгина бунёд эта олади. Ҳакимжон ака ҳам ана шундай фидойи инсонлардан.

— Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ бўлиши, фарзандларимизнинг нурли келажаги учун хизмат қилиш — менинг фуқаролик бурчим! «Ватан менга нима берди?» — деб эмас, «Мен Ватанимга нима бердим, унинг равнақи йўлида қандай меҳнат қиламан?» — деган масъулият тўғриси билан яшашимиз лозим. Шунда Ватан гуллайди, ҳаёт фаровон бўлади, — дейди олим.

Бугун биз Ҳакимжон Зайниддиновнинг катта мақсадлар билан олиб бораётган илмий изланишларини кузатар эканмиз, ахборот технологиялари асрида Ўзбекистоннинг ҳам халқро ахборот майдонида ўзига хос нуфузга эга бўлишига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Махфуза ЙЎЛДОШЕВА



## TATU HAYOTIDAN

**Хозирги замон алоқа тизимининг самарадорлиги устида дунё миқёсида тинимсиз тадқиқот ва амалиёт ишлари олиб борилиши натижасида абонентларга кўрсатиладиган хизмат турлари кўлами кенгайиб, сони ошиб бормоқда.**

Маълумки, рақамли алоқа тизимида битта линия орқали бир қанча хизматлардан, яъни сўзлашиш, маълумотларни электрон почта ёки факсимилда алмашиш, Интернет ва ҳроказо хизматлардан фойдаланиш имкони мавжуд. Чунки маълумотлар маъноси, шакли ва физик хоссаларидан қатъи назар, улар рақамли техникада маълум қоида ва моделлар асосида тартибга олинган импульслар кетма-кетлиги (серияси) сифатида, абонентларга алмашилади. Натижада бу — биринчидан, абонентлар учун иш жараёнида катта қулайлик яратди. Иккинчидан, алоқа тизими самарадор-

тўғрилаш учун махсус даврий ва бошқа турдаги алгоритмлар асосидаги код тизимлари мавжуд. Бироқ уларнинг ўзгарган кодни тўғрилаш имкониятлари чегараланган. Бу ҳолат юз берганда, абонентга юборилган маълумотларнинг ўзгарган ҳолда ижро этилиши нохуш ва зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун ахборотни юқори аниқликда узатиш усуллари қўлланилади. Афсуски, сўнгги вақтларда тузилган ўқув дастурларидан ана шундай усуллар ўрин олган.

Яна бир муаммо. Интернет тармоғига кириш ва ундан за-

муни, ҳажми, уларда замонавий тенденцияларнинг акс эттирилиши, дарсларнинг самарасини ошириш масалалари кафедранинг махсус мажлисида муҳокама қилинди ва қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозимлиги қайд этилди:

- маъруза матнларини ҳар бир фаннинг назарий асослари билан тўлдириш, лаборатория ва амалий машғулотларни Ўзбекистонда ўрнатилган рақамли тизимлар ва ускуналар материаллари билан бойитиб, ишчи дастурларни такомиллаштириш;

- лаборатория ишларини ва амалий машғулотларни телекоммуникация тармоқлари, узеллари моделларини тузиш, ишлаш ва таҳлил этиш дастурларини яратиш ва компютерларда аниқ масалаларни ҳал этишни ташкил қилиш;

- телекоммуникация тизимларини бошқариш фанининг қисқартирилган дастурини тузиш ва уни телекоммуникация техноло-

## Алоқачи мутахассислар тайёрлаш жараёнидаги айрим муаммолар

лигини аниқлайдиган энг муҳим кўрсаткич — алоқа каналнинг бандлиги (трафики) ошади ва шунга яраша хизмат кўрсатиладиган алоқа корхонасининг моддий самарадорлиги ортади.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг ахборот технологиялари ҳамда иқтисодиёт факультетлари профессор-ўқитувчилари алоқа тизимларининг моддий самарадорлигини ошириш борасида иқтидорли талабаларни жалб этган ҳолда хозирги замон талаб ва шароитларга мослаштирилган технологик ва иқтисодий моделлар яратиш, уларни дастурлаш ва амалга ошириш устида илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Сир эмас, алоқа тизимларининг техникавий самарадорлиги уларни бошқарадиган, ишла-тадиган мутахассисларнинг илмий салоҳияти ва тажрибасига, қарамоғидаги қурилма, ускуна ва асбобларнинг тузилишини, ишлаш тамойиллини ва меҳнат жараёнларини чуқур таҳлил эта олиш қобилиятига боғлиқдир. Бу масалалар, айниқса, сўнгги йилларда долзарб бўлиб қолди, чунки мамлакатимиз алоқа тизими замонавий технологиялар асосида яратилган ҳорижий алоқа воситалари, бошқарув ва ўлчов асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда. Мазкур алоқа воситалари ва ускуналари бир хил, яъни рақамли технологиялар асосида ишлаб чиқарилган. Аммо ҳар бир компания жиҳозларида ўзига хос алгоритм ва дастурлар билан ишлайдиган блоklar, узеллар мавжуд. Шунингдек, ахборот узатишнинг SDM, ATM, IP тармоқлари ўз бошқариш тизимларига эга. Соҳа мутахассислари ана шу замонавий тармоқ ва тизимларнинг ишлаш тамойилларини, жараёнлари ҳамда хусусиятларини яхши тушуниб, рўй берадиган носозлик ва ишда тўхталишларни тўғри таҳлил этиб, зудлик билан чора кўра олишлари лозим.

Ахборотни узатиш линияларида ва унга ишлов бериш жараёнларида ташқи ҳалақат ва шовқинлар таъсирида алоҳида маълумотлар ёки уларнинг тўплами узғариши мумкин. Ўзгарган код комбинацияларини аниқлаш ва

рур маълумотни олиш компютер билан ишлашни ўрганган шахс учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Ушбу мазмундаги Интернет технологиялари дастури университетнинг барча биринчи босқич талабаларига ўргатилади. Мутахассислар билан суҳбатларда Интернет хизмати ускуналарини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш зарурлиги ва бу борада ўқув дастурлари етарли эмаслиги аниқланди.

Алоқачи мутахассислар (бакалавр ва магистрлар) тайёрлашдаги қайд этилган етишмовчиликлар юзасидан турдош университетлар ва кафедраларнинг юқори малакали ўқитувчилари, амалиёт ходимлари билан фикр алмашувлар натижасида кафедрамизда қуйидаги учта янги ўқув курсининг маъруза матнлари, лаборатория ва амалий иш дастурлари тайёрланди:

1. Алоқа тизимларини бошқариш;
2. Юқори аниқлик ахборот тармоқлари;
3. Интернет технологиялари ва хизматлари.

Кафедранинг етакчи ходимлари тайёрлаган дастурлар кафедранинг мажлисларида, телекоммуникация технологиялари факультети деканатида кенг муҳокамадан ўтди. Университет ректори профессор С.Қосимов кафедра аъзолари ташаббусини маъқулади. Махсус буйруқ билан 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб юқорида кўрсатилган фанлар бўйича магистратура талабаларига сабоқ бериш вазифаси кафедранинг топширилди. Кафедранинг «Телекоммуникация тармоқларини бошқариш» номи берилди ва телекоммуникация технологиялари факультети таркибига ўтказилди.

2005-2006 ўқув йилининг кузги семестрида телекоммуникация технологиялари факультетининг биринчи босқич талабаларига янги фанлардан сабоқ берилди. Бу ташаббус магистрантлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Кузги семестр мобайнида талабаларга ўқилган маърузалар, олиб борилган лаборатория ва амалий машғулотларнинг маз-

гиялари факультетининг тўртинчи босқич талабаларига баҳорги семестрда ўқитиш лозимлиги ҳақидаги тақлифни асослаб, ўрнатилган тартибда муҳокамага тақдим этиш, такомиллаштириш.

Қайд этилган фанларни назарий ва амалий эгаллаш алоқа тармоқлари, ускуна ва узеллари иш тамойилларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш юқори тезлик ҳамда катта ҳажмдаги хотирага эга бўлган замонавий компютерлар ва мультимедиа воситаларида бажарилиши мумкин. Аммо кафедра лабораториясига ўрнатилган кичик тезлик ва хотирага эга бўлган «Pentium III» русумидаги компютерлар мўлжалланган амалий машғулотларни бажаришга ожизлик қилади. Лабораторияларни замонавий компютерлар ва бошқа зарур ускуналар билан қайта жиҳозлаш ҳақидаги кафедра тақлифлари университет ректори томонидан маъқулланди ва бу борада мутасадди шахсларга махсус топшириқлар берилди. Топшириқлар кечиктирилмай амалга оширилса, кафедра лабораториялари тўлиқ жиҳозлар билан таъминланса, янги 2006-2007 ўқув йилини пухта тайёргарлик билан кутиб олиш имконияти яратилган бўлур эди. Бу эса кафедрада илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, уларга иқтидорли талабаларни жалб этишни кучайтириш шубҳасиздир.

Бир сўз билан айтганда, университетни титирувчи мутахассисларнинг қайд этилган ва замон талабларига жавоб берадиган фанларни назарий ва амалий жиҳатдан чуқур эгаллашлари натижасида ахборот-коммуникация технологияларини ишлатиш маданияти юқори савияга кўтарилди ва Ўзбекистонда кенг тармоқланган замонавий телекоммуникация ускуналари ва тизимларидан фойдаланишнинг ҳам техникавий, ҳам иқтисодий самарадорлиги таъминланди.

**Жўра АБДУЛЛАЕВ,**  
TATU «Телекоммуникация тармоқларини бошқариш» кафедраси муdiri, академик

## ИЛМИЙ АНЖУМАН

Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш мамлакатимизнинг ахборот ҳамжамиятига киришини тезлаштиради.

Бунинг учун эса соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини кенг ёритиш ва уларни барча соҳаларга жорий этишни тезлаштириш, иқтидорли ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш жуда муҳимдир.

Ўтган ҳафтада Тошкент ахборот технологиялари университетидан «Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари» мавзuida бўлиб ўтган икки кунлик республика илмий-амалий анжумани ҳам юқоридаги мақсадга йўналтирилди. Анжуман Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда университет иштирокида ташкил этилди.

Мазкур анжуманда телекоммуникация соҳасидаги ташкилот ва корхоналардан, TATU ва унинг филиалларидан ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясидан ташриф буюрган 450дан ортиқ маърузачи қатнашди. Улар бешта шубъа — Ахборот технологиялари, Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение, Телекоммуникация тармоқлари ва тизимлари, Иқтисодиёт ва менежмент ҳамда Янги педагогик технологиялар доирасида иш олиб бордилар.

Анжуманга Тошкент ахборот технологиялари университети ректори С.Қосимов раислик қилди.

Ўз мухбиримиз

## БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ



«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан жойларда «Болаларнинг бегонаси бўлмайди» шиори остида хайрия акциялари ўтказилмоқда. Ушбу тадбирга Тошкент ахборот технологиялари университети ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

Университетнинг хотин-қизлар қўмитаси ва талаба-қизларидан иборат гуруҳ пойтахтимиздаги 31-Меҳрибонлик уйининг 87-ёрдамчи мактаби тарбияланувчилари ҳузурда бўлишди. Болажонларга талаба-қизлар томонидан тайёрланган ўйинчоқлар, ҳар хил ширинликлар, шунингдек, иқтисодиёт ва бошқарув факультети йигитлари ташаббуси билан сотиб олинган турли шахсий-гигиеник воситалар тортиқ қилинди.

Айниқса, талабаларнинг концерт дастурлари болажонлар дилларига бир олам қувонч бахш этди. Хайрия тадбирида шоира Зулфия Мўминова ўзининг янги шеърларини ўқиб берди.

**Раъно АБДУЛАЗИЗОВА,**  
TATU хотин-қизлар қўмитаси раиси

## ДАВРА СУҲБАТЛАРИ

TATUнинг «Ўзбек ва рус тиллари» кафедрасида буюк соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 670 йиллигига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати ўтган аудиторияга Амир Темури сурати акс эттирилган ҳамда унинг «Тузуклар»идан намуналар келтирилган панно ўзгача кўрк бағишланди.

Шунингдек, Амир Темури ҳақидаги бадиий, илмий асарлар ва рисоалардан иборат қўрама ҳам ташкил этилди.

Кафедра доцентлари — Р.Қобулова, Н.Ёқубова, кафедра муdiri С.Абдуллаева, ўқитувчилар А.Хусанова ва Р.Шавриковалар Амир Темурининг фаолияти, фазилатлари, давлат бошқарувидаги шижоати ҳақида, шунингдек, унинг оилавий муносабатлари нақадар улугʻлангани тарихий манбалар ва ҳужжатларга асосланган ҳолда гапириб бердилар.

Шунингдек, ушбу кафедрада Бутунжаҳон авиация ва космонавтика кўнига бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Кафедра ўқитувчилари университетимиз ходимлари ва ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларининг космонавтика фани ривожига қўшаётган ҳиссалари, чунончи, физика-техника кафедрани доктори, профессор Рашид Отахонов иختиро қилган «Ер-Самолет» қурилмаси собиқ Иттифок давридаёқ «Союз — 5,6,7» космик кемалари парвозида самарали қўлланилгани, авваллари оқ-қора тасвир узатган бу қурилма эндиликда янада мукамаллашиб, тасвирларни рангли узатаётгани борасида сўз юритишди. Устозларимиз биз, талабаларга — бўлажақ ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларига — ўқишларда юксак муваффақиятларга эришиш ва Рашид Отахоновнинг муносиб издошлари бўлиб етиштиришда омад тилашди.

**Азиза ТУРСУНОВА,**  
Азиз СОЛИЕВ,  
TATU «Ахборот» клуби аъзолари



## 12 APREL — BUTUNJAHON AVIATSIYA VA KOSMONAVTIKA KUNI

**АҚШ президенти Жорж Буш ҳар сафар шаҳар четидаги ранчасига йўл олганида, «Sikorsky» русумли вертолётдан фойдаланади.**

**Британия қироличаси Елизавета II ҳам бу вертолётни энг қулай учиш воситаси дея баҳолайди. Мазкур вертолёт асосчиси Игор Сикорскийни Америкада «миллий гений» деб аташади.**



# «Миллий гений»га айланган муҳожир

## Дастлабки қадамлар

Ким билади дейсиз, агар 1923 йилда рус муҳожир Сергей Рахманинов бошқа бир муҳожир дўсти Игор Сикорскийга 5 минг доллар қарз бермаганида, бугунги кун ҳақон авиацияси қай аҳволда бўларди?..

Инқилобдан сўнг Россияни тарк этган авиаконструктор Сикорский Нью-Йоркдан кўним топди. Дастлаб моддий аҳоли қийинлигидан кечки мактабда ишлашга мажбур бўлди. Сўнг ишсиз юрган бир неча рус муҳожирларини тўплаб, дўсти берган пулларга кичиккина «Sikorsky Aeroengineering Corporation» конструкторлик компаниясини ташкил этди. У биринчи ҳақон урушидан кейин оғир ҳарбий самолётларга талаб йўқлиги ва шахсий учиш аппаратларига қизиқиш ортаётганини ҳисобга олиб, ўн кишига мўлжалланган машина яратишга муваффақ бўлди. Шубҳасиз, бу кашфиёт авиаконструкторга катта шухрат олиб келди. Буюртмачиларнинг сони ошиб, компания даромади бир неча баробарга ўсди. Тез орада Сикорский Стратфордда (Коннектикут штати) ўзининг янги заводини очишга эришди.

Компанияга 1929 йили дастлабки йирик буюртма тушди: «Pan American» компанияси «S-38» русумли икки моторли самолётларни ясаб беришни сўради.

30-йиллар бошида «Sikorsky» компаниясининг икки ажойиб лойиҳаси муваффақият қозонди. 1934 йилда улардан бири — «S-42» самолёти бортидаги 4900 кг. юк билан 6220 метр масофага учиб, ўша пайт учун рекорд натижага эришди! Айнан «S-42» самолёти 1934 йили Атлантика, 1935 йили Тинч океан узра парвоз қилиб, «океан устидан ўтган дастлабки самолёт» деган номга эга бўлди. 1937 йилдан бошлаб эса ушбу самолётларда Атлантика океани орқали йўловчи ташиш йўлга қўйилди.

## Вертолётлар келтирган омад

1930 йилларнинг охирига келиб ҳақон авиация бозори суस्ताшиб қолди. Натижада «Sikorsky»нинг «амфибия»ларига ҳам талаб камайиб, компания инқирозга юз тутди. Шундай бўлса-да, конструктор бу пайтда ҳам керакли ишни бажара олди, яъни бир йил ичида янги — ўша пайт учун гаройиб бўлган учувчи аппарат — вертолёт устида иш олиб берди. Дастлабки янги кашфиётини шахсан ўзи 1939 йилнинг 14 сентябрида ҳавога кўтаришга муваффақ бўлган эди. Кейинги ўттиз йил ичида Сикорский бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи 18 турдаги вертолёт моделлари конструкциясини ишлаб чиқди. Конструкторнинг муваффақиятларидан ҳайратланган матбуот вакиллари уни «1-рақамли вертолёт-

чи» деб атай бошлашди. 1942 йилда АҚШ генераллари «Sikorsky» компаниясига қарашли вертолётни президент Рузвелтга таништиришганида, Оқ уй соҳибига у жуда маъқул тушди. Иккинчи ҳақон уруши давомида Америка ҳарбий-десант кучлари 150та «Sikorsky» вертолётлари хизматида фойдаланди.

Бугунги кунда АҚШ қуроли кучларида 7000дан ортиқ вертолёт бўлса, шуларнинг аксарияти «Sikorsky» компаниясида ишлаб чиқарилган.

«Sikorsky» вертолётларидан Корея (1950-53) ва Вьетнамдаги (1965-72) уруш даврида оммавий равишда фойдалана бошланди. Уша пайтда «S-51», «S-55» русумли вертолётлар АҚШ, Англия ва Франция каби бир неча давлатларнинг асосий ҳарбий машинасига айланган эди.

Ишлаб чиқаришдаги муваффақият «Sikorsky Aeroengineering Corporation»га ҳақиқий мустақилликни олиб келди. Энди у мутлақо мустақил ташкилот бўлиш билан бир қаторда, номини ҳам «Sikorsky Aircraft»га ўзгартирди. Шунингдек, компания Брижпортда ўзининг янги ишлаб чиқариш базасини ташкил этди. Мазкур база катта буюртмалар туфайли 1955 йилда Стратфорддаги база қурилгунга қадар Сикорский компаниясининг марказий базаси бўлиб қолди.

1958 йили Игор Сикорский нафақага чиқди. У нафақада туриб ҳам ўзининг қимматли конструкторлик маслаҳатлари билан компания мутахассисларига вертолётларнинг янги авлодларини яратишда катта ёрдам берди.

1972 йилнинг 26 декабри. Шу куни асли рус, АҚШ фуқароси бўлган буюк авиаконструктор Игор Сикорский вафот этди.

## Янги авлод

«Sikorsky Aircraft Corporation»нинг хозирги президенти Дин Боргман Калифорния политехника университетини тамомлаб, АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг илмий-тадқиқот лабораториясига ишга

қабул қилинганида, компания вертолётлари конструкциясига жуда ҳам қизиқиш қолган эди. Балки, бу қизиқиш 32 йил давомида компания президенти лавозимига бўлган йўлни босиб ўтишида унга куч бағишлагандир.

Бугунги кунда «Sikorsky Aircraft»нинг оғир ва ўрта вазндаги вертолётлари (5-33 тонна) дунёда тенгсиз ҳисобланади. Бу вертолётлардан НАТОга аъзо давлатларда, шунингдек, дунёнинг 40дан ортиқ мамлакатларида ҳарбий, тижорий ва бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда.


Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Америкадаги деярли барча вертолётлар «Sikorsky Aircraft» дастурлари асосида ишлаб чиқарилади. Масалан, АҚШ денгиз флоты учун «Seahawk», «Blackhawk» ва «H-60» вертолётлари барча турдаги ҳарбий амалиётларда ишлатилади. Оғир юк ташувчи «CH-53E» ва «MH-53E» вертолётлари эса ҳарбий амалиётлар даврида йўловчи ва техника ташишга мўлжалланган.

2003 йили компания дунёга мутлақо янги моделни намоиш қилди. «S-76» моделидаги тижорат вертолёти амалда деярли барча мақсадларда фойдаланилади. Ҳозирда у қидирув-ёрдам ишлари, нефт саноати ва хатто тезкор тиббий ёрдам кўрсатишда ҳам асқотмоқда.

Яқин саккиз йил ичида «Sikorsky» компаниясининг йиллик даромади икки баробарга ошиши ва 2010 йилга бориб бир йиллик даромад миқдори камида 3,6 млрд. долларни ташкил этиши кутиляпти. Буни компания президенти Дин Боргман Фарнбородаги Халқаро аэрокосмик кўргазма чоғида таъкидлаган эди. Унинг айтишича, бугунги кундаги «Sikorsky Aircraft»нинг асосий вазифаларидан бири — АҚШ армиясига қарашли бўлган 1200та ҳарбий вертолётни модернизация қилиш ва «Boeing» компанияси билан ҳамкорликда замонавий авиациянинг ютуғи бўлиши кутилаётган «RAH-66 Comanche» ҳарбий-разведка вертолётларини ишлаб чиқаришдир.

**Абдумажид АҲМЕДОВ**  
тайёрлади

## Фазо сирлари



Кейинги қирқ беш йил ичида 400дан ортиқ киши фазога парвоз қилди. Улар фазода кўплаб сирли ҳодисаларга дуч келишган, ammo бу ҳақда оғиз очишмаган. Аслида гапиришга ҳам рухсат берилмаган. Айтишларича, бир пайтлар Гагарин «Агар рухсат беришганида, самодани кўплаб қизқарли ҳодисаларни айтиб берган бўлардим», деган экан. Россия фуқаро авиацияси академиясининг «Физика» кафедраси профессори Кирилл Бутусов ана шундай таъкидлаган маълумотларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Куйида ушбу маълумотларнинг айримлари билан танишасиз.

## Ердагилар самодан ҳам кўринади!

«Ердаги жисмларнинг катталашishi» ҳодисасини биринчи бўлиб америкалик астронавт Гордон Купер баён қилган. У Тибет устидан учиб ўтаётиб, уйлари ҳеч қандай асбобсиз, оддий кўз билан кўрганлигини айтган. Орадаги масофа эса 300 километри ташкил этарди! Космонавт Виталий Севастьянов эса шундай дейди: «Мен Сочини кўрдим. Денгиз бўйидаги портни ҳам, икки қаватли уйимизни ҳам яққол кўрдим». Юрий Глазков ҳам шундай фикрни тасдиқлайди: «Бразилия устидан учиб ўтаётиб, катта йўлни кўрдим. Кўк рангли автобус йўлда кетиб борарди».

## Фазода итнинг овози

Осмонда галати товушлар эшитилишини космонавт Владислав Волков шундай таърифлаганди: «Ерда қоронғи тушган эди. Бирдан итнинг хуришини эшитдим. Кейин эса гўдакнинг йиллагани аниқ эшитилди! Буни тушунтириб беришнинг иложи йўқ».

## Кўринмас нигоҳ

Баъзида самодани «кузатиш» ҳодисаси содир бўлади, яъни космонавт ўзини қимдир орқадан кузатиб тургандек ҳис қилади. Кейин эса пичирлаш эшитилади. Пичирлаган товуш шундай дейди: «Сен бу ерга жуда эрта ва нотўғри келдинг. Менга ишон, зеро, мен сенинг аждодингман. Сизлар бу ерга келмасликларингиз лозим. Ерга қайт, Яратганнинг қонунларини бузма». Кўпинча бу овоз ишончли бўлиши учун фақат космонавтининг ўзигагина маълум бўлган оилавий сирлар ҳам айтилади.


— Бу ҳақда исмини маълум қилишни истаман бир космонавт айтиб берганди, — дейди Кирилл Бутусов. — У шахсан шундай ҳодисага дуч келганлигини ва буни ўзига ўхшаган космонавтарнинг бир нечаси билишини таъкидлаганди.

Космонавтарлар ўзлари дуч келган бу ҳодисаларни чоп этишга кўп ҳам ошиқишмаганининг яна бир сабаби — одамлар уларни ақлдан озган, деб ҳисобшларидан қўчишар экан...

**ЖАВОҲИРБЕК** тайёрлади



# Sport



## FUTBOL

### “Пахтакор” ўз мавқеини тиклаб олди, “Машъал” эса...

Осиё чемпионлар лигасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг “Пахтакор” ва Муборакнинг “Машъал” жамоалари навбатдаги учрашувларини ўтказдилар.



Ўз майдонида Эрон чемпиони “Фулад” жамоасини қабул қилган “Пахтакор” ўйин давомида устунилигини намойиш этди. Ўйин бошланишидаёқ кетма-кет ҳужумлар уюштирган вакилларимиз 13-дақиқага келиб ҳисобни очишга муваффақ бўлишди: Гол муаллифи — Зайниддин Тожиев.

Учрашувнинг 37-дақиқасида “Фулад” ҳимоячилари жарима майдончаси яқинида Тожиевни қўполлик билан тўхтаб қолишди. Жарима тўпини “Пахтакор” сардори Сервер Жепаров ажойиб тарзда амалга ошириб, ҳисобни 2:0га етказди.

Иккинчи бўлимда ҳисоб ўзгармади ва “Пахтакор” гуруҳ пешқадамига айланиб олди.

**“Пахтакор” — “Фулад” — 2:0**

**Голлар:** Зайниддин Тожиев, 13; Сервер Жепаров, 37.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Суриянинг “Ал-Иттиҳод” жамоаси Қувейтнинг “Ал-Қодисия” клуби билан баҳс олиб борди. Ўйин 2:2 ҳисобида аяқланди.

Мамлакатимизнинг яна бир жамоаси, Осиё чемпионлар лигаси дебютанти “Машъал” учинчи турда Саудия Арабистонининг “Ал-Хилол” жамоаси меҳмони бўлди. Дарвозабон ва ҳимоячиларнинг қўпол хатолари натижасида муборакликлар йирик ҳисобда мағлубиятга учрадилар.

**“Ал-Хилол” — “Машъал” — 5:0**

**Голлар:** Ал Моури, 29; Жованни, 33; Ал Сувайлех, 63; Камачо, 78; Ал Шлҳоуб, 84.

“В” гуруҳида Бирлашган Араб Амирликларининг “Ал-Айн” жамоаси пешқадамлик қилмоқда. Учинчи турда “Ал-Айн” жамоаси Ироқнинг “Ал-Минаа” клубини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

## TENNIS

### Теннисчиларимиз устун келишди

Пойтахтимиздаги “NBU” спорт мажмуидаги теннис кортида Ўзбекистон — Хитой терма жамоалари ўртасида Дэвис кубоги баҳслари ўтказилди.

Мусобақанинг биринчи куниди яққалик учрашувлари бўлиб ўтди. Унда дастлаб мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси Денис Истомин Хитойнинг иккинчи ракеткаси Пенг Сун билан учрашди ва 6/4, 6/2, 3/6, 6/3 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи учрашувда Фаррух Дўстов ва Ю Ванглар кортга чиқишди. Баҳсда ҳамюртимиз катта устунлик билан — 6/4, 6/0, 6/1 ҳисобида рақибини доғда қолдирди.

Мамлакатимиз вакиллари жуфтлик баҳсларида ҳам хитойликлардан устун келишди ва мuddатидан аввал учрашув ғолибига айланишди.

## MINI-FUTBOL

### Ярим финал учун кураш

“Ўзбектелеком” АКнинг кўчма Кубоги учун мини-футбол мусобақасининг иккинчи тур учрашувлари ўтказилди.

**“Тошкент Телеком” — “ШАК” — 7:2**

**“Ўзбектелеком” — “ТошТТС” — 3:12**

**“Ўзи” — “ТШТТ” — 6:10**

**“ЎЗНЕТ” — “Ўзбектелеком Мобайл” — 10:4**

Ушбу тур якунидан сўнг иккитадан ғалабага эришган “ТШТТ” ва “ЎЗНЕТ” ҳамда “Тошкент Телеком” жамоалари ўз гуруҳларида пешқадамликни кўлга киритиб, ярим финал масаласини мuddатидан аввал ҳал қилишди.

Учинчи турнинг марказий ўйинларидан бири “ТШТТ” ва “ЎЗНЕТ” жамоалари ўртасида кечади. Ушбу жамоалар “А” гуруҳи ғолибини аниқлаш учун майдонга тулашди. “В” гуруҳида эса “ТошТТС” ва “ШАК” футболчилари ярим финал йўлланмаси учун баҳс юритишади. Учинчи тур ўйинлари 15 апрел кuni ўтказилади.

## PROFI-BOXS

### Флойд Мейвезер унвонсиз қолиши мумкин

Ҳозирда дунёнинг энг кучли боксчиси сифатида эътироф этилаётган Флойд Мейвезер ярим ўрта вазнда IBF чемпионлиги учун Заб Жудага қарши баҳс олиб борди ва 12 раундлик жанг натижасига кўра очколар ҳисобида ғалаба қозонди.

Бироқ Халқаро бокс федерацияси (IBF) кўмитаси раҳбари Линдсей Такернинг таъкидлашича, ташкилот ушбу жанг юзасидан ҳали ўз қарорини қабул қилгани йўқ. Сабаби, жанг пайтида юзага келган можаро ҳали ҳамон давом этмоқда. Гап шундаки, жангнинг ўнинчи раундида Заб Жуда рақибига икки бор тақиқланган зарба берган ва натижада икки томон вакиллари ўртасида муштлашув юзага келган эди.

Баҳс якунланганидан сўнг Заб Жуданинг промоутери Дон Кинг Халқаро бокс федерациясига мурожаат қилиб, муштлашувни Мейвезер бурчагидагилар бошлашганини, шунинг учун унинг ғалабасини бекор қилиш лозимлигини таъкидлаган.

— Биз Мейвезерни чемпион деб тан олишимиз ёки унвонни Забда қолдиришимиз мумкин, — деди Такер. — Яна бир йўли — реванш ўтказишдир. Хуллас, барчасини вақт кўрсатади.

tixabar@mail.uz

## SOQ'LIQ'IMIZ — BOYLIGIMIZ

### ФАЛАЖГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ВОСИТАЛАР

Инсон организмда бир аъзо фаолиятининг тўхтаб қолиши — фалажни келтириб чиқаради. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Фалажлик баъзан жуда қаттиқ юрак қон-томир касалликларининг асоратида ҳам юзага келади.

Фалажни даволаш айрим ҳолларда узок вақтга чўзилади. Бунда, аввало, кунт ва чидам талаб этилади. Фалаж бўлган аъзо ташқи таъсирга нисбатан сезувчанлигини, кўпинча ҳатто ўзининг ташқи жиҳатдан шаклини ҳам йўқотади.

Инсоннинг турли аъзолари, жумладан, юзда ҳам фалажлик аломатини кузатиш мумкин. Бундай ҳолларда ҳам, аввало, табиий воситаларга мурожаат этилса, мақсадга мувофиқдир.

Фалаж асорати сезилган дастлабки кунлардан оқ, даволашни табиий воситалар билан бошлаган маъқул. Яъни, ёнғоқнинг мойини узум шарбатига қўшиб, фалаж аломатлари пайдо бўлган жойга суртиш лозим. Туртинчи кун эса бу тадбирни тўхтатмаган ҳолда, каптар боласининг гўшти, нўхат ва зира солиб тайёрланган овқатни беморга бериш даркор. Даволанилаётган кунларда икки ёки уч марта сурги дори ичиш керак, токи ичакларда ҳеч қандай зарарли хил-лар йиғилмасин. Сурги дори сифатида маккажўри популудан фойдаланиш лозим.

Лаб ва юз қийшайганда қора мурчдан ярим мисқол (ярим чой қошиқ) олиб, кунига бир маҳал ичиб туриш тавсия этилади. Кақлик гўшти ҳам фойдали ҳисобланади. Юз фалажига йўлиққан беморга унинг гўштини селлатиб, чалароқ пишириб бериш фойдалидир.

Фалажга яна мўмиё ҳам даво бўлади.

### Табриклаймиз!

“Тошкент Телеком” филиали, вилоят алоқа ходимлари биллашган қасаба уюмаси кўмитаси ҳамда Фазалкент телекоммуникациялар боғламаси жамоалари боғламанинг ходимлар бўлими назари Аноргул АБДУРАИМОВАни 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга сихат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

“Наманган Телеком” филиалининг Тошбулоқ телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғламанинг станция муҳандиси Раҳматали ОДИЛОВни 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга узок умр, мустақкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб қолади.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бosh муҳаррири:**  
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Изаат АҲМЕДОВ  
(Бosh муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕВ  
Шомаевур ОБИДУҲАЕВ  
Миродия САНГИЛОВ  
Раваббек СУЛАЙМОНОВ  
Лутфилол ТУРСУНОВ (масъул котиб)  
Асқаджон ХУҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Соҳижжон ҚОСИМОВ

Таҳририятга келган кўлема ва суратлар эътиборга қайтарибмайди.  
Муваффақиятнинг фидоилари таҳририят фидоилари фарқланмайди мумкин.  
Нашриятдан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.  
Тижорат материал — ①.  
Реклама матнларининг турлилигига таҳририят жавобдор эмас.  
Рақам ва давлатларнинг таққонийлиги учун мақола муаллифи масъуладир.  
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

**Манзил:** 700060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.  
**E-mail:** orif@info.net.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

**Саҳифаловчи:**  
А. БУРИЕВ.

**Матн тевуви:**  
Д. МАТҚУРБОНОВА.

Босиниға топширилади — 20.00. Босиниға топширилиши вақти — 20.00.

Жамоатчи муҳбирларимиз:	Андижонда 46-47-80	Бухорода 226-22-14	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-26-96	Навоийда 222-56-30	Наманганда 226-61-85	Нукусда 222-14-63	Самарқандда 34-06-71	Термизда 224-06-12	Тошкентда 133-36-48	Урганчда 226-43-13	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 23-04-89
-------------------------	--------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	------------------



